



ЎЗБЕК ИСТИСЛАМЧИ

№ 28 (2448)

1992 ЙИЛ 7 МАРТ

ШАНБА

НАРХИ: ОБУНАЧИГА 30 ТИНИН, СОТУВДА 40 ТИНИН

БАХТ-САОДАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ТИЛАЙМАН

Бундан кўнрақ яратган тангри Сиз — аёлларга илоҳий неъмат бериб, буюк саховат кўрсатган. Бу неъмат сизлардаги донолигу оқиллик, жонфидолигу мунислик, латофату меҳрибонлигингиздир. Дунёга еттулик меҳру муҳаббатингиздир.

Хонадонимиз кўрки, чирог — ҳазрати аёллар!

Давлат ишидан чарчаган биз — эркалар хонадонимизда барча ҳорғинликдан қутуламиз. Сизнинг бир оғиз ширин каломингиздан куч-қудрат оламиз. Ҳади этганингиз — фарзандлар кулгуси, эркаликлар толиққан вужудимизга ором бағишлайди.

Уй беағи, юрт беағи муниса онахонлар, опа-сингиллар!

Бундан кўнрақ либосга буркаб кўклам кезиб юрибди ўлкамизда. Мен худди шу лаҳзаларда Сизларни кўкламга қиёслардим. Сизлар оппоқ гулларингиз билан юртни бир умр безангиз.

Ички ишларда хизмат қилаётган дилбар сингилларим, лобар опажонлар!

Сизлар камарбаста бўлиб, халқ тинчлиги, осойиштали-

ги йўлида оромингиздан, ҳаловатингиздан кечиб, ҳалол хизмат қилайсизлар. Сизларнинг ҳар онингиз жасоратга тўлиқдир. Сизларнинг юрт, халқ олдида бажараётган ишларингиз мақтовга сазовордир. Чунки жамиятга ёт бўлган ҳар қандай иллатларга қарши аёвсиз кураш олиб бораёйсизлар. Ораларингизда оддий милиционердан тортиб то милиция полковниги унвонигача эга бўлган дилбарлар бор. Ҳар қандай йигитлар орзу қиладиган унвонларингизни Сиз сидқидилдан оқлаб, ҳамкасб эркалар олқишини олмоқдасизлар.

Азизу мукаррам онахонлар, меҳрибон опахонлар, муниса сингилжонларим!

Ушбу қутлуғ байрам оstonасида Сизларни кўклам билан, байрам билан табриклайман. Сизларга доимо хушқайфият, соғлик, бахт-саодат ва гўзаллик тилайман! Умрларингиз боқий бўлсин!

Зокиржон АЛМАТОВ,
жумҳурият ички ишлар вазири милиция генерал-майори.



8 МАРТ — халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган бошқа материаллар билан рўзноманинг 4-бетида та-нишасиз.

ДИЛРОЗ ЭТ

Рухсат айла, жонон, сенинг нигорингга посбон бўлай,
Булбуллар-ла мен ҳам бу тонг гулзорингга меҳмон бўлай.

Ўқиб вафо дostonидан севги тўла инсраларни,
Садоқатга ундагувчи юрагингга ҳоқон бўлай.

Лабларингдан ҳар дақиқа учиб турар шўх кулгулар,
Шу кулгулар садоси-чун истасанг гар хандон бўлай.

Эй, моҳитоб, соҳибжамол, кўнгил торин бастакори,
Дилроз этгил Раҳимийга, умр бўйи хушхон бўлай.

Ренат РАҲИМОВ,
Нарпай тумани.

БАҲОР ЛИБОСИ— АТЛАС

Март — қизу жувонларимиз учун хуш айёмлар ойи. Бизга қадимдан момоларимиз қолдирган мерос — Наврўз ҳам шу вақт ичида байрам қилинади. Қиз ва келинчақлар Наврўзга пешвоз чиқмоқ баҳонасида ўзларининг энг чиройли кўйлақларини излайдилар. Баҳор либосини тиктириш учун хонатласдан ўтадиган мато бўлмаса керак. Чунки атлас кўйлаққа қандай фасон танламанг, у барибир чиройли чиқади. Бугунги кунда савдо расталарида атласнинг кўзни олувчи минг бир тури мавжуд, гарчанд қиммат бўлса ҳам.
ОНАЖОН, ОПАЖОН, СИНГИЛЖОНЛАРИ
Қалбларингиз каби турланувчи хонатласлар дилга қувонч олиб кирсин, нур олиб кирсин.

МЕНИНГ ФИКРИМ

БИТТАГИНА ИСТАГИМ

маси ҳам спорт билан мунтазам шугулланадими! Менимча, йўқ. Акс ҳолда кўчаларда гавдаси беҳуш ёки эгнида кийим зўрға осилиб турган милиционерлар бўлмас эди.
Ниятим уларни ёмонлаш эмас. Мен шундай ходим-

ларни биламанки, ҳеч му-болагасиз айтиш мумкин, улар уйда ҳам, кўчада ҳам, хизматда ҳам, тўйда ҳам элим дейдилар. Масалан, Қарши шаҳрининг учинчи депараси участка вакили милиция катта лейтенанти Эшдавлат Эштемиров [хиз-

мат бурчини Афғонистонда ўтаган], 4, 5, 6, 7-депара «участковий»лари Очил Чорнев, Икром Ғаниевлар [иқкалалари ҳам милиция катта лейтенанти унвонига] ана шундай элсевар инсонлардан. Уларнинг орқасидан ҳурмат ва ҳавас билан қараб қолишадим.

Биттагина истагим: шундайлар кўпаяверсин.

З. НУРАЛИЕВА,
Қарши.

МАҚСАДИМИЗ ЯГОНА

Милиция ходимларини бежиз осойишталик посбонлари, деб аташмайди. Улар зиммасига фуқаролар хотиржамлигини ҳар томонлама муҳофаза этиш, илоҳи борича қонунбузарликларнинг олдини олиш, рўй берган жиноятларни иссиғида фош этиш вазифаси юклатилган.

Агар кейинги йилларни бир сўз билан таҳлил этадиган бўлсак, қонунбузарликлар кескин кўпайиб кетганлиги ҳаммамизни диққат қилади. Тўғри, ўтган 1991 йилда қотиллик, қароқчилик, номусга тегиш каби оғир жиноятлар бирорта ҳам содир этилмади, тўғрироғи бунга йўл қўймади. Аммо фуқароларнинг шахсий мулкни, хусусан уй ҳайвонларини ўғирлаб кетиш ҳоллари кўпайди. Буни биринчи галда бугунги иқтисодий тақчиллик билан изоҳлаш мумкин.

Биз бунга қарши нима қиляпмиз? Хушёрлик ва тезкорликни сусайтирмаган ҳолда маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиряпмиз. Халқ суди раҳбарлари, прокуратура ходимлари, умуман ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари биргаликда меҳнат жамоалари ҳузурида тез-тез учрашувлар ўтказяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ «НАВРЎЗ» МУНОСАБАТИ БИЛАН «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, МЕҲР-ШАФҚАТ» ХАЙРИЯ ҲАШАРИНИ ВА ТЕЛЕМАРАФОННИ УТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий қадриятларнинг тикланишида «Наврўз» байрамининг аҳамиятини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ешлар иттифоқи, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Йўлдош Охунбоев номидаги Тўқимачилик ва енгил sanoat институти, Тошкент шаҳар Октябрь ноҳияси, «Янги шаҳар» маҳалласи жамоаси, Чортоқ шаҳар тикувчилик фабрикаси жамоаларининг 1992 йил 14 март куни «Наврўз» умумхалқ хайрия ҳашари ни ўтказиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио компанияси жамоаси, «Эл» халқаро уюшмаси, Ўзбекистон болалар жамғармаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси республи-

ка ногиронлар жамияти, Қизил ярим ой жамияти жамоаларининг 1992 йил 21 март куни «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» хайрия телемарафонини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Меҳнат жамоаларининг «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» шиори остида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари ва телемарафонига раҳбарлик қилиш умумхалқ байрами «Наврўз»га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиясига юклатилсин. Хайрия тадбирларини ўтказиш юзасидан республика вилоятлари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла кенгашлари, вазириклар, биржа ва барча турдаги корхона ва ташкилотлар аниқ режа асосида ташкилий ва

амалий тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Хайрия ҳашаридан йиғилган ва ишлаб топилган маблағлар «Наврўз» хайрия жамғармасига топширилсин.

3. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш, кўчат ўтқазиш, боғлар яратиш, кабристонларни саришталаш ишларига алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири, Давлат банки телемарафон ўтказиладиган пайтда бир кеча-кундуз давомида маблағларни қабул қилиб олиш учун навбатчилик ишларини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Маданият вазири билан биргаликда чет эллик

ишбилармонлардан, маданият ходимларидан иборат барча меҳмонларнинг умумхалқ хайрия ишларида, байрамида ва телемарафонда иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратсинлар.

6. Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси, Маданият вазири ва Давлат матбуот қўмитаси умумхалқ хайрия ишлари, «Наврўз» тантаналарини ва телемарафонининг маънавий ва тарбиявий, бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтиши учун барча ижодий кучларни сафарбар этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 март.

Иқтисодий ва сийёсий танглик кишиларимиз турмуш тарзини қалтис бир изга солиб юборди. Уғрилик, талончилик, бировлар жонига қасд қилиш, ичкиликбозлик ва бузуқчилик авж олиб кетди. Ҳамма ҳақиқат излайди, адолат сўроқлайди. Қийин бўлгандан, айниқса, милиция ходимларига қийин бўлди. Ўзлари турмуш ташвишларидан гангиб юрганлигига қарамай ўзгалар кўнглини овлашди, оғирини енгиллатиши зарур. Шунинг учун ҳам Раҳмат ака уйига ҳар кун кеч қайтади. Мана, беш-олти йилдан бери у киши Тошкент шаҳрининг Киров туманига қарашли Отчопар маҳалласида участка назоратчи-си вазиасида ишлаб келяпти.

Маҳаллада милиция капитани Р. Самиевни танимаган одам йўқ. Ингичка мўйлови хўб ярашган «участкавой» бўлгани учунмас, албатта. Балки дилкаш ва хушчақчақ, меҳнаткаш ва камтар инсон эканлиги боисидандир. Раҳмат ака фуқароларга қўлидан келганича яхшилик қилишга уринади. Ҳеч қурса, ширин сўзлар билан руҳий мадад беради. Шу туфайли бўлса керак, маҳаллада яшовчи, авваллари бир неча бор қамалиб чиққан қўрс ва бадахлоқ шахслар ҳам у кишининг хузурига алоҳида ҳурмат кўрсатиб киришади. Маслаҳатларини эътибор билан тинглашади.

Кўплар ички ишлар хо-

димлари ҳақида гап кетганда, милиционерларни қўпол ва маданиятсиз, дея таърифлашади. Лекин мен Раҳмат ака Самиев билан танишгач, бу фикрлар чуқур уйлаб кўрилмай айтилганини, беш панжа ҳеч қачон баробар бўлмастганини яна бир карра танидим.

ОТА ИЗИДАН

Милиция капитани Самиевнинг юриш-туришидан, гап-сўзларидан зиёдиларга хос вазминлик ва ўйчанлик уфуриб туради.

«Бу одам милицияга тасодифан келиб қолган-ов, асли бирор илмий муассасада ишлаши керак эди», — деган ўй хаёлимдан ўтди у билан суҳбат чоғи. Аммо Раҳмат ака бу соҳани адашиб танламаган экан.

— Деҳқонча қилиб айтганда, — дейди у киши жилмайиб, — милиционерлик ота касб бизга. Болалигимданок мундир киёлига қизиққанман.

Ҳа, ота изидан борган фарзанд хор бўлмайди. Раҳмат ака ҳам Тошкент давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳини тугаллагач, ҳеч иккиланмай

ўзини ички ишлар соҳасига урди. Ҳаётини тажрибаси, олий ўқув юртида ортирган билими унга ҳар дақиқада қўл кела бошлади. Ҳамкасблари орасида, элу юрт олдида обрў-эътибор топди.

— Фуқаролар хонамдан енгил тортиб чиқишса, мен ҳам енгил тортаман, — дейди Раҳмат ака ишдан бироз тиниб. — Қуруқ лўттибозлик, ваъдабозлик бир кунмас бир кун шарманда қилади. Шунинг учун ҳам иложи борича ёлғондан қочаман.

Милиция капитани Раҳмат ака Самиевнинг ўз юмушига ихлоси баланд. Агар шароит тақозо қилса, саҳардан хуфтонгача, хуфтондан тонгача куймаланиб юраверади. Хизматдаги арзимаган ағлаш-шилмовчилик, пала-партишлик ҳам кимларгадир битмас жараҳат етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам Раҳмат ака ҳар бир шикоят ва аризани эринмай, диққат билан текширади, хулоса чиқаришга шошилмайди...

Тун. Ҳорғин шаҳар аста-секин ором оғушига сингиб бормоқда. Машиналар қатнови сийрайлашган. Бироқ Гвардиячи кўчасида жойлашган мўъжазгина хонанинг чироғи ёниқ. Демак, кимдир ҳамон юмуш билан банд. Ҳеч тортинмай кириб бораверинг, сизни ўқтам овозли, хушфеъл милиция капитани кутиб олади. Бу — бизнинг Раҳмат ака...

ЛУҚМОН БҮРИЕВ.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Ҳеч кимга сир эмаски, жиноятнинг аксарият қисми ёшлар томонидан содир қилинмоқда. Бу ҳол ҳаммамизни ташвишга солаётди.

Яқинда Ильяч туманида «Ўсмир-92» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда халқ ноиблари, туман ижроия қўмитаси ва ички ишлар бўлимидан вакиллар қатнашишди. «Ўсмир-92»

тадбири 74 нафар ҳеч қадерда ўқимайдиган, ишламайдиган ва қонунбузарликка йўл қўйган ёшларни аниқлади. Уларга нисбатан комиссия аъзолари тегишли чоралар кўрдилар. Шулардан биттаси 2-хунар-техника билим юртига, 25 нафари кундузги мактабга, 14 нафари кечки ишчи-ёшлар мактабига, 18 нафари турли корхоналарга йўлланма олди.

Хўжабек ИБРОҲИМОВ.

АДАШИШ

Билган ҳам бир адашади, деб халқимиз бежизга айтмаган. Радикнинг ҳайдовчилиги қилаётганига бир йил бўлмаган. Ўз касбининг устаси эканлигини II-даражали меҳнат шон-шухрати ва автоҳалокатсиз ишлагани учун берилган II-даражали кумуш нишонлари ҳам айтиб турибди. Лекин ўша кун «ЗИЛ-133» белгили уловда йўлга чиққан Радик Нарпай туманида тунги соат 23 ларда тракторнинг ёнидан ўтиб бораётиб, уриб юборди. Оқибатда трактор ичида кетаётган аёл қаттиқ тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди. Бироқ кўрсатилган ёрдам беҳуда кетди.

Шу пайтгача йўл ҳаракатининг бирор қондасини бузмаган Радик беихтиёр инсон умрига зомин бўлди. Адашиш бундан ортқ бўлмас.

Нур БАДИЯ.



Янгийўл шаҳар ИИБ катта терговчиси милиция капитани Тоҳир Мадалиев ўн икки йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқда. Бўлимнинг энг тажрибали, билимдон ходимларидан. Ешларга меҳрибон мураббий.

СУРАТДА: Т. Мадалиев (чапда) шогирди милиция катта лейтенанти Б. Маъдиев билан.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ПРОКУРАТУРАДА ЯНГИ БОШҚАРМА

1992 йил 3 март кун республика ҳукуматида давлат, қўшма ва хусусий корхоналарнинг, турли тижорат ташкилотларининг ташқи иқтисодий фаолияти соҳасида Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларини порахўрликдан, талон-торождан ва бошқа суиистеъмоллардан ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Вужудга келаётган вазиятни таҳлил этиш ҳамда ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган бир қанча мамлакатларнинг тажрибаси асосида ҳамда ташқи савдо битимларини тузиш пайтида республика манфаатларига иқтисодий зиён етказиш йўлидаги уринишларга самарали қаршилиқ қилиш, ҳорижий иқтисодий доираларда республиканинг обрў-эътиборига путур етказадиган порахўрликка, талон-торожга ва суиистеъмолларга қарши

курашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси таркибида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни текшириш ҳамда бу соҳадаги курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари иштини мувофиқлаштириш бошқармаси тuzилди. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига юқори малакали мутахассисларни жалб этиб, прокуратура, ички ишлар вазирлиги ва миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан иборат оператив-тергов гуруҳини тузиш, ташқи иқтисодий фаолиятта алоқадор бўлган вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, қўшма корхоналар, барча ташкилотларга эса прокуратура, ички ишлар вазирлиги ва миллий хавфсизлик хизмати идораларининг талабига биноан зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш топширилди.

МАҚСАДИМИЗ ЯГОНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қолаверса, ударнинг онгига халқимизнинг: «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма», — деган нақлини сингдиришга интиляпмиз. Яқинда Янгийўлшоқда бир одамнинг молини ўғирлаб кетиши. Борсак, одатдаги манзара: молхона уй эгалари яшайдиган хоналардан бир неча ўн метрлар нарида. Қолаверса, эшиги тескари томонга қурилган. Бу эса ўғрилارга гоят қўл келган. Молхонанинг деворини тешиб, мақсадларини амалга оширишган.

Ўғрилар қўқонлик ўспиринлар экан, молини ҳам Қўқонга олиб бориб, бир қас-собга 2 минг 900 сўмга сотишган. Аммо орадан ҳеч қанча ўтмай яна кимлардир қассобнинг уйида боғлоқлик турган молни етаклаб кетган. Бу иш бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

Қиссадан ҳисса, деганларидек, кўрдингизми, молнинг ҳақиқий эгалари бепарволиги нималарга олиб келди. Ваҳоланки, туманимизда 147 та катта-кичик қишлоқлар бор. Биз ана шу қишлоқларда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро уйини кечаю кундуз назорат қила олмаймиз.

Яна бир масала — ёнғиннинг олдини олиш муаммоси. 1991 йил давомида ҳудудимизда 112 марта «тилсиз ёв» хуруж қилди. Шундан 67 мартасида фуқароларнинг бир неча йиллар давомида пешона тери эвазига тўплаган мол-мулки кулга айланди. Агар бу йўқотишни пулга қақадиган бўлсак, 91 минг сўм йўқ бўлди.

Шу йил январь ойида Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли хонадонлардан бирида ёнғин чиқиши натижасида етти-саккиз ёшли бир бола ҳалок бўлди. Бу ҳам яна биринчи навбатда ўша хонадонда истиқомат қилаётганларнинг бепарволиги билан изоҳланади.

Мен бу ерга ИИБ бошлиғи бўлиб келганимдан сўнг дарҳол шунга эътиборни қаратдим. Бошқарма раҳбарлари олдида туманимизда ёнғиндан сақлаш депоси ташкил этиш таклифини ўртага ташладим. Таклифимни ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи ички хизмат подполковниги Аловуддинов қизгин қўллаб-қувватлади ва шу тариқа ишга киришиб кетдик. Режамиз бўйича янги депо шу ярим йилликда ишга тушиши керак. Имкониётларимиз анча кенгайди шундан кейин. Чунки 50 та штат ва тўртта ўт ўчириш машинаси берилди.

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик пайтида бу ишларни юргизиш осон бўлмапти. Лекин на илож, бир ишни бошлагандан кейин охирига етказиш ҳам қарз, ҳам фарз. Туманимиз раҳбарлари ёрдам беришмади, десак нотўғри бўлади, ёрдам беришяпти. Лекин анчайин масалаларни ҳал этишга ҳам кўп овора бўляпмиз. ИИБ ёнидан ерни ажратиб олдик, қурилишни бошладик. Аммо «Коммунизм» жамоа хўжалиғи раиси Нишонбой ака Маматқулов шу ерда жойлашган хўжалик омборини ҳанузгача бошқа ерга кўчиргани йўқ. Ваҳоланки, бу раҳбар одам биз қўл урган иш моҳиятини жуда чуқур ҳис қилади.

Яна аввалги мавзуга қайтасак. Ўтган йилнинг охирида ва шу йилнинг бошларида ўғирлик, юқорида айтганимдек, шунақа кўпайиб кетдики, ҳатто саросимага тушиб қолдик. Йигитларни тўплаб, обдон маслаҳатлаш-

дик. Ниҳоят тунги гуруҳлар ташкил этишга қарор қилдик. Бўлимимиз ихтиёридаги машиналарга учтадан ходимни бириктириб, вазият оғир бўлган жойларга ташладик. Бу борада Мирзааҳмад Деҳқонов номли жамоа хўжалигига асосий эътиборни қаратдик. Чунки маълумотларга қараганда ўғрилар асосан Қўқон шаҳридан келишади. Демак, шу ерда уларга тузоқ қўйиш керак. Бу тадбиримиз бекор кетмади. Тургоқ қишлоғида кечаси соат учларда уч бош қўйни ўғирлаб кетишгаётганларида, тунги гуруҳ аъзоларидан милиция сержанти Баҳромжон Нурматов ва муниципал милиция ходими Раҳматулла Тошболтаевлар қаллоблар йўлини тўсиб қўйишди. Уч ўғри уч бош қўй билан биргаликда ИИБга олиб келинди. Тергов жараёнида бу гуруҳ муқаддам қўшни туманларда ҳам бир неча марта фуқароларни чув туширганлиги аниқланди.

Шунисига хурсандимизки, туманимиз ижроия қўмитасидаги ўртоқлар бу борада катта ёрдам бердилар. Ҳар кун корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан учтадан улов воситалари ажратилмоқда, худди шунингдек, уларни ёнилғи билан таъминлашяпти. Тунги патруллик муаммоси, демак, ҳал этилди. Табиийки, ўғирликнинг маълум даражада пайи қирқилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзимга ҳеч тинчлик бермаётган бир дардимни тўкиб солсам. Бугунги мураккаб

вазиятда тинчликни муҳофаза этиш осон иш эмас. Гоят мураккаб. Яхши ҳамки, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан муниципал милиция ходимларини қабул қилганимиз. Уларнинг ҳар бирига 8 минг сўмдан пул сарфлаб ўқитдик, тайёр, малакали ходимлар бўлиб етишишди. Аммо ҳозир уларни ушлаб турагимизни-йўқми номаълум. Кўпгина раҳбарлар тузилган шартномани бузишни ҳам таклиф этишяпти. Мисол учун 27-авторхонадан ўтказилаётган маблағ ҳисобидан бир милиция лейтенантини ишга олганмиз. Аммо авторхона маъмурияти ўтган йил сентябрь ойида шартномани бузишга ҳаракат қилди. Шундан бери ўша лейтенант маош ологанича йўқ. Афсуски, шунга ўхшаш фақат оёқнинг остини кўрадиган раҳбарлар оз эмас. Консерва заводи ҳисобидан келган ходимимиз ҳам аросатда қолган ҳозир. «Социализм» жамоа хўжалиғи маблағи ҳисобига олинган ходимимиз эса аллақачон бошқа ишга ўтиб кетган. Тўғрироғи, яхши бир ҳамкасбимизни бой берганмиз.

Бу борада қуваликлар тажрибасидан фойдаланиш гоят зарур деб ҳисоблайман. Қува тумани раҳбарлари муниципал милиция тақдирига бефарқ қарашмапти. Мумкин қадар уларни сақлаб қолишга ташкилот ва хўжаликларни даъват этишяпти. Ҳатто ҳеч иложи бўлмай қолганда уларни бюджет ҳисобидан бўлса ҳам таъминлашга аҳд қилишган. Узоқни кўра билиш деб мана шунга айтилади менимча. Ана шу фикрларимни туманимиз кенгаши раиси Нўмонжон Исмоиловга ҳам ташлирдим. Агар у киши шу ташаббусни қўллаб-қувватлашса, ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Солихўжа БУЗРУКОВ,
Учқўприк тумани ИИБ
бошлиғи
милиция майори.

ҚУШНИНГ ТИНЧ БЎЛСА

Бозорда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Жуда қиммат, аммо сероб. Танлаб-танлаб, чертиб-чертиб олавер. Айниқса, автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини сўраганлар ниҳоятда ҳам кўп.

Буни ўз кўзлари билан кўрган Юра ва Раҳматларнинг фикри бир жойдан чиқиб қолди. Бирни чилангар, бири сотувчи. Кечаси уйқуларини ҳаром қилиб, манзили томон ошиқдилар. Бу хори фуқароси Б. Сафоевнинг гаражига яқинлашди. Аста-секинлик билан уловнинг олд оймасини, 2 жуфт гилдирагини, эҳтиёт баллонини ўмарилди.

Эҳтиёт қисмлар тезда сотилиб кетди.

Кейинги ишга сал «қизишиб» борадиган бўлишди. Туида фуқаро Р. Раҳимовнинг хонадонига тушдилар. Хайрият қўни-қўшнларнинг зийраклиги. Мабодо озгина бефарқлик бўлганда эди, аёл 13.817 сўмлик мол-мулкидан айрилиб қоларди-я.

М. ИСРОИЛОВА.

ҚУЙРУК ДЕБ...

Шу йил 11 январь куни Олтиариқ тумани ИИБ навбатчилик қисмида телефон жиринглади. Сим қоққан Бурболиқ қишлоғида истиқомат қилувчи Хусанбой Ҳолиқназаров экан. Айтишча, кимлардир ярим тунда унинг икки бош қўйини ўғирлаб кетибди.

Милиция катта лейтенантлари Эргашали Шодиев, Ҳалимжон Абдуллажонов, Фарҳод Давроновлар тез орада жабрланувчи дардига малҳам қўйдилар. Гуломжон Ҳасанов, Саиджон Ҳайдаров, Раҳмиддин Зоҳидовлар қўйнинг қуйруғига ош дамлаб ейишни орзу қилишганди, омадлари чопмай тумшукларидан илينيшди.

А. АБДУЛЛАЕВ,
милиция капитани.

Оилада фарзанд туғилди, дейлик. Ана шу пайтда отанинг қанчалар қувоншини ҳис қила оласизми? Албатта, ҳис қиласиз. У дунёда ўзини энг бахтли ҳисоблайди, ўз пушти камаридан пайдо бўлган бир парча вужудга адоқсиз меҳр ва фахр билан тикилади. Бетизгин орзулари натижаси ўлароқ исм танлайди ва зурриёдини ёмон кўзлардан асраб, напалаб-авайлаб парвариш эта бошлайди. Чақалоқнинг биринчи кулгино «дада» деган биринчи калом, бора-бора атак-чечак қадам ташлаши отанинг армонлардан мосуво қалбига яна олам-олам завқ-шавқ бағишлайди. Буни деярли ҳаммамиз ҳам бошимиздан ўтказганмиз, яхши биламиз.

Аммо ана шу фарзанд улғайиб камол топгач, бир пайтлар отаси тавоф қилган қўлларини падарни бузруқвори қонига бўяшини тасаввур эта оласизми? Сезиб турибман, азиз рўномасевар, умр деб аталмиш дарёнинг пўртана сувларида узоқ йиллар қулоч отиб, анча-мунча нарсаларнинг шохиди бўлган эсангизда, бу саволни ҳам қила олмайсиз. Эҳтимол ушбу сатрларни ўқиётиб, муаллифнинг ақли жойида, деган фикр хаёлингизда ўтгандир. Аммо бу бевафо дунёда ана шундай разиллик ҳам янгилик бўлмай қолди.

Яқинда Сирдарё шаҳри ва тумани ички ишлар бўлимида бўлганимда, юз билан юзлашган, оғзида тиши қолмаган табаррук кишиларни ҳам лол этадиган бир воқеани эшитиб қолдим.

— Аслида отанинг кўзларига боқиш гуноҳи азим ҳисобланади, — дейди ЖҚБ бошлиғи милиция капитани Юсуф ака Тошбоев. — Аммо на илож, ана шу мақолни унутмаган ҳолда очилишида бевосита ўзим

иштирок этган бир жиноят ҳақида сизга сўзлаб бераман. Яна шу нарсани келишиб олсак, бу ҳақда шахсий муносабатларни, ички кечинмаларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, «Постда» мухлисларига воқеани қандоқ бўлса, шундоқлигича етказсак. Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

... 1991 йилнинг 18 январь куни уйига кириб келган 73 ёшли Александр Кречков базм-жамшидининг устидан чиқиб қолди. Бертатиб тузатишган стол устида асосан вино, сигарета қолдиқлари, бир-икки бурда нон ва яна аллақандай

ПАДАРКУШ

газаклар. Хона тамакинни тутунига гўлиб кетган. Хуллас, табиати нозикроқ кишининг кўнглини айна-тадиган муҳитда чолнинг ўгли Анатолий улфатлари билан кўнгилихушлик қиларди. Унинг ҳам, меҳмонлар Витя, Володя «Бляхларнинг ҳам юзлари қизариб, тиллари гўлдираган палла.

Табиийки, отага бу аҳвол ёқмади.

— Уят эмасми, Анатолий, мен касалманд бўлсам. Ердан бериш, ҳеч бўлмаганда супириб-сидириш ўрнига...

Бу гаплар Анатолийга ёқмади, қайтанга гоят оғир ботди. Витя ва Володялар олдида ўзини таҳқирлангандай ҳис қилди.

— Ҳой, чол, ҳадеб менга ақл ўргатаверма. Ешим 53 да, нима қилиш кераклигини яхши биламан, панд-насихатларингга зор эмасман.

— Қандай ҳақдинг сизди бундай дейишга, бадбахт! — деди ота газаб-

дан қалт-қалт титраб. — Мен сени!..

— Оғзинга қараб гапир, мияси суюлган қария!

Улар гўёки уришишга чоғланаётган хўрозлар мисол бир-бирларига бўйин чўзиб, ҳурпайишди. Меҳмонлар эса ўтириш яқун топганлигини сезиб, йиқилиб-туртиниб ташқарига йўл олишди.

Қўшнларнинг кўргазмаларига қараганда, бақир-чақирчи алламаҳалгача эшитилиб турди. Аммо бу одатий ҳолга айланганлиги учун ҳеч ким жанжалга аралашини хоҳламади. Бора-бора сув сенгандек жанжал босил-

ди. Бу ҳам ҳеч кимни ажаблантирмади. Аммо шу воқеадан кейин чол умуман кўринмай қолди.

— Март ойида хонамга чамаси 45 ёшлардаги бир аёл кириб келди, — дейди суҳбатдошим Юсуф ака. — Исмини ҳозир эслолмайман. У Анатолийнинг синглиси, Александр Кречковнинг қизи экан. Олтой ўлкасида истиқомат қиларкан. Туғишганларидан хабар олгани келса, отаси йўқ. Акиси унга: «Отам касалхонада», — дебди. Аммо қайси шаҳарда, қанақа касалхонада — айтмабди.

Милиция ходимлари улар яшайдиган уйга — Ленин номли жамоа хўжалигига боришди. Аммо бу пайтда ичкиликка муккасидан кетган ўғил сирли равишда ғойиб бўлган, аниқроғи қочиб қолганди.

Шубҳа кучайиб борарди. Суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Қўшнларнинг айтишича, отабола ўртасида жанжал бўлган кўннинг эртасига улар-

КИМЁ КУЛЛИЁТИ ЎТ ИЧИДА

Шу йил 2 март куни Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармасининг марказий пунктига ташвишли хабар тушди. Тошкент давлат дорилфунунининг кимё куллийети биносига ўт тушган.

Саноқли дақиқаларда етиб келган ёнғиндан сақлаш бўлаклари ҳодиса ўчоғи ўқув-лаборатория корпусининг ертўласида эканлигини, ўша ердан тутун бутун биного тарқа-

лаётганини аниқлашди. Ертўланинг ташқи деворларида деразалар йўқлиги, ёнғин марказида юқори ҳарорат ҳосил бўлганлиги оловни жиловлашда жиддий кийинчилик туғдирди.

Бироқ ўт ўчирувчилар матонати туфайли орадан икки соат ўтгач, аланга ҳуружи тўла даф этилди. Собир Раҳимов тумани ИИБ воқеа юзасидан текширув ўтказмоқда. **Ғ. ЖУРАЕВ.**



Тошкент шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати милиционер Уринбосар Умарбеков ҳар доим ўзига бикритилган ҳудудда осойишталик бўлишига эришиб келаётган ходимлардан биридир.

СУРАТДА: милиция катта сержанти Уринбосар Умарбеков хизмат маршрутига йўл олаётган пайт. **Ҳ. ШОДИЕВ** олган сурат.

Кўп қаватли уйларнинг чироқлари бирин-кетин ўчмоқда. Йўлақдан икки йигит шошилмай юқорига кўтарилишга, Тўққизинчи қаватга чиқиб, керакли хонадонни топишди-ю, ён-атрофни кўздан кечириб бошладилар. Бир неча дақиқалик текширувдан сўнг шоша-пиша пастга тушишди. Кўчада кетишаркан, учрашув жойи ва вақтини келишишди...

Соҳиб уйдан чиқаркан, қўйнига пичоқ солди. Тўппа-тўғри Зарафшон кўчасига йўл олди. Бу ерда Андрей, Қодирберди ва Давронлар кутиб турарди. Шу жойда ким нимани бажариши аниқлаб олинди. Андрей ҳам ошпичоқни қўйнига тиккач, йигитлар отланишди. Йўл-йўлакай Икромни ола кетишди.

Разведкага Қодир борди. У уйда икки аёл ва 10 ёшли болақайдан бўлак ҳеч ким йўқлигини маълум қилгач, юзига ниқоб тортган гуруҳ ишга киришди.

Биринчи бўлиб қўлида пичоқ билан Андрей бостириб кирди. Кирган заҳоти телефон симларини шартта қирқиб ташлади. Кетма-кет Соҳиб ва Қодирберди суқилишди. Қодирберди билан Икром ётоқхонани алғов-дал-

гов қилаётган пайтда Соҳиб аёлларга пичоқ ўқталиб, уларнинг тилла тақинчоқларини ечиб олаётганди.

Икром топиб олган ҳамёни Қодирбердига узатди. Қодирберди ҳамёнини чўнтагига солди-ю, қочишга ишора қилиб, хонадонни тарк этди. Андрей ҳам чиқиб кетаркан, «ТОМ М-303-С» магнитофонини чангаллади.

ҚОРИН БАНДАСИ

Соҳиб эса эркаклар кроссовкасини қоқиштирди. Йигитлар шартлашилган жойда нафас ростлашгач, ўмарилган буюмларни тақсимлай бошладилар.

Самарқанд шаҳар ИИБ кундуз соат 11 ларда ушбу ўғирлик ҳақида хабар олди. Тергов бўлими ходими Ш. Воҳидов биринчи бўлиб йўлга чиқди. Зарафшон кўчаси муюлишида шошилиб бораётган уч йигитчага кўзи тушди. Диққат билан разм солди. Босқинчилик содир этилган уй унчалик узоқ эмасди. У жабрланувчилардан биринчи сўрагани жиноятчиларнинг ташқи қиёфаси бўлди. Аёлларнинг кўрсат-

маси ҳозиргина йўлда учраган йигитлариникига айнан мос эди. Шавкат дарҳол уловига ўтириб Зарафшон кўчаси томон елди. Йўлда воқеа жойига келаётган ҳамкасбларини тўхтатиб, уларни ҳам ўша ёққа бурди.

Милиция ходимлари уйга кириб келишганда, босқинчилар энди тарқалиш тарадудиди эдилар. Йигитчалар

син. Бўлмаса жонга-жон. Кимнинг ҳаёти қанчалик қадрланишини ҳозир кўра-миз.

Қайсидир терговчининг бепарволиги туфайли стол тагида қолиб кетган жиноятчидан олинган ашёвий далил ҳозир Шавкатга қарши ишлаётганди.

Терговчининг гаровга олингани зумда бўлинмага

тарқалди. Дарҳол ўртада мулоқот бошланди. Аммо жиноятчи ҳам анойилардан эмасди.

— Терговчиларингни ўлдираман! — дея таҳдид сола бошлади.

— Бу хонадан чиққанинг билан узоққа боролмайсан. Узинг ҳам биласан бунга. Ундан кўра вақтни ўтказма. Жиноятингни янада оғирлаштиришнинг фойда-зарарини тушунасан ўзинг, — деди ажал ёқасида турганидан чўчимаган терговчи.

— Сеннинг маслаҳатингга зор жойим йўқ. Ҳоҳласам ҳозир сени тинчитаман-у, бир йўла ўтириб чиқаман.

— Ҳозироқ ходимларингга айтасан, мени қўйвориш-

тарқалди. Дарҳол ўртада мулоқот бошланди. Аммо жиноятчи ҳам анойилардан эмасди.

— Терговчиларингни ўлдираман! — дея таҳдид сола бошлади.

— Бу хонадан чиққанинг билан узоққа боролмайсан. Узинг ҳам биласан бунга. Ундан кўра вақтни ўтказма. Жиноятингни янада оғирлаштиришнинг фойда-зарарини тушунасан ўзинг, — деди ажал ёқасида турганидан чўчимаган терговчи.

— Сеннинг маслаҳатингга зор жойим йўқ. Ҳоҳласам ҳозир сени тинчитаман-у, бир йўла ўтириб чиқаман.

Орадан ярим соатларча

вақт ўтди. Мулоқот беҳуда кетмади. Ҳасанов таслим бўлди.

Кейинчалик ўзини Ҳасанов деб таништирган йигит қамоқхонадан қочгани учун қидириляётган Қодирберди Йўлдошев эканлиги маълум бўлди. Унинг шериги Андрей Квасков эса озодликнинг кичик чилласини энди ўтказган, аниқроғи жазосини ўтаб, очикча чиққанининг 20-куни экан. Икром эса ушбу тўдага тасодифан, моддий қийналганидан тушиб қолган.

— Сизни босқинчилик қилишга нима ундади? — дейди терговчи Ш. Воҳидов.

— Мен бу ердаги билим юртларининг бирида ўқийман. Узим хоразмликман. Енимда 5 сўмгина пулим қолганди. Нима қилай? Мажбур бўлдим.

Улар ўғирлаган буюмларнинг қиймати салкам беш минг сўм экан. Бу ҳам бир кун тамом бўлади-ку, ахир. Ҳўш, ундан кейинчи? Енида 5 сўми қолган ҳар бир одам ўзганинг даромадини турли йўллар билан ўмараверса, бунинг давоси нима? Фақат қорин бандаси бўлмай бошқа нарсаларни ҳам ўйлайлик мундоқ.

М. ИБРОҲИМОВА.

8 МАРТ

БАХТ, ИҚБОЛ, ҚУВОНЧ БАЙРАМИ

Ички ишлар идораларида эркаклар билан тенг ишлаётган аёллар анчагина. Бироқ айтиш керакки, ўрис, украин, татар миллатига мансуб аёлларни формада кўрсак, ҳайратланмаймизу ўзбек аёлларига қизиқсиниб боқамиз. Чунки улар жуда камчиликни ташкил этади.

Фарғона вилояти ИИБда она-бола Муҳтарама Ҳотамова ва Дилобар Исматовалар хизмат қилишади.

Муҳтарама опа тергов бўлимида муҳим ишлар бўйича катта терговчи, милиция подполковниги. Дилобархон эса терговчи, милиция капитани.

— Мен Шохимардонда туғилганман, Ота-онам ўқитувчи бўлишган. Кейинчалик турли лавозимларда ишлаган. — дейди ўзи ҳақида Муҳтарама Ҳотамова. — Отам аввал Қувасойга, кейинроқ Аввал қишлоғига ишга юборилганлар. Охири Аввалда муқим ўрнашиб қолганмиз.

Ота-онам жуда аҳил яшаган. Дадам онамнинг турли лавозимларда ишлашига тўсқинлик қилмай, аксинча ҳайрихоҳлик билан қараган: Онам Марҳамат Акбарова дастлаб муаллимлик, кейинчалик жамоа хўжалиги партия кўмитасининг котибаси, қишлоқ шўросининг раиси, матлубот жамиятининг раиси лавозимларида меҳнат қилганлар. Ҳозир нафақада. Улар менинг ўқиб, билим олишимга қаршилиқ билдиришмаган.

Мен 1954 йилда Тошкент давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиётига ўқишга кирдим. Зоминлик А. Исматовга турмушга чиқиш арафасида ўқишни сиртқи-га ўтказдим. Зомин тумани

ОНА-БОЛА ТЕРГОВЧИЛАР

комсомол кўмитасида ишлаш бошладим. Бир ўғил, бир қизли бўлди. Лекин мени туғилган жойим ўзига тортаверди. Шу орада ўғлимиз ҳам бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди. Ундан қолган қизча менинг тарбияда.

Туғилган қишлоғимга қайтгач, ЗАГСда мудира, кейинроқ адвокат бўлдим. 1971 йилда ИИБга терговчиликка таклиф қилишди. Туман прокурори Неъматжон Махпиралиев, ИИБ бошлиғи Турсунбой Зайниевларнинг таклифини рад эта олмадим. Мана шунга ҳам 21 йил бўлибди-я.

Ҳа, шунча йиллар мобайнида Муҳтарама Ҳотамова кимлар билан учрашмади. Қанчадан-қанча одамлар тақдирини ҳал қилмади. Не-ча ўнлаб жиноятчилар билан рўпарам-рўпара ўтириб савол-жавоб ўтказмади.

Аммо бирон марта олиб борган иши қайта терговга юборилмади. Бирорта шикоят тушмади.

Ишдаги яхши кўрсаткичлари туфайли 1978 йили уни вилоят ИИБга олишди. Бошқармада терговчи, катта терговчи лавозимларида ўзини кўрсатди. Бугун муҳим ишлар бўйича катта терговчи.

М. Исматованинг шогирдлари ИИБ ҳар бир бўлимида истаганча топилади.

ИИБ тергов бўлими назорат-методик бўлини маси бошлиғи милиция майори Ш. Тошматов, терговчи милиция капитани К. Қаюмов, ЖҚБ оператив вакили Р. Обидов, Фарғона тумани ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлини масининг бошлиғи О. Тўраевлар шулар жумласидандир.

Шогирдларидан яна бири — қизи Дилобардир. Дилобар фаолиятини балоратта етмаганлар билан ишлаш инспекциясидан бошлади. ТБда ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Аммо адолатпарварлиги, ҳалоллиги билан акралиб турибди. Дилобар турмуш ўртоғи билан аҳил. Беш нафар фарзанди бор. Аёллар бор жойда одоб, адолат, тартиб ҳам жойида бўлади.

Муҳтарама опанинг 21 йиллик фаолиятида адолат топиб, номларини, юзларини ёруғ қилганлар оз эмас. Шундай аёллар сафимизда кўпаяверсин.

М. КИМСАНБОВ.



Ички ишлар, албатта, нафис соҳа эмас. Бу ерда аҳли ожизларнинг ишлаши ўн-гайсиздай туюлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, улар ишлашяпти. Улар деганимиз сиз суратда кўриб турган Мунаввар ва унга ўхшаган қизлар. Мана Мунаввар Бўтабоева етти йилдан буён Калинин тумани ИИБда фаолият кўрсатиб келмоқда. Катта иш юритувчи. Жамоа ичида ўзига яраша ҳурмати бор.

Байрам муборак, Мунаввар!

САРҒАЙГАН СУРАТ

Бугун яна бир бор сарғайган суратни кўлимга олдим. Унда сену мен. Нурли нигоҳлар муҳрланган. Тўғрироғи, бизлар нурга йўғрилганмиз.

Мен сумкачамни бағримга меҳрла босиб турибман. Шундоққина ортимиздан поезд елдек елиб бормоқда. Сен жудаям бахтиёрсан. Мен жудаям бахтиёрман. Бахтиёр лаҳзалар муҳрланган бу суратни бисотимдаги буюк бойлик деб биламан. Уни бошқалардан қизганиман. Шу боис уни ҳаммадан яшириб келаяпман. Ҳатто сендан ҳам.

Бугун суратга қараб маънос термуламан. Ҳа, сени елдек елиб кетаётган поезд олиб кетганди. Сени ушлаб қолишга, кеткизмасликка кучим етмади. Уйлайман. Нега ўша онда уни мендан кетишини ўйламадим?

ШАҒҚАТСИЗИМ, кошки эди мендан кетиб чинакам бахтли бўлганимда. Кошки у менчалик сени деганида. Агар шундай бўлганида, ўзимни бахтли санардим, бахтиёр санардим.

ШАҒҚАТСИЗИМ, шу кемтик, бир кам дунёда сенга буюк бахт — МУҲАББАТ тилайман. Шунда кир, ёлғончи дунёда сен ўзгача умр кечира бошлайсан. Бошқаларикидан бутунлай фарқ қиладиган умринг кечалари оппоқ бўлади. МЕН СЕНГА ана шундай ОҚДАНДА ОҚ УМР ТИЛАЙМАН!

ОЯГУЛ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Бўлдирадиган ҳам хотин,
Улдирадиган ҳам хотин.

Қизга олтиндан тахт эмас,
Бармоқдай бахт керак.

Яхши хотин йўқ нарсангини
бор этар,
Емон хотин кенг уйингини
тор этар.

Билимли аёл бошингга
қарайди,
Билимсиз аёл ёшингга
қарайди.

Яхши йигит минган отини
ҳоритмас,

Яхши хотин теккан эрини
қаритмас.



Кўзларингда ҳаёт гулла-сини.
Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Яна ҳасратли кўшигининг бошладингми, шамол! Зардобтус хазонларга кўмилган боғ-роғлар аро, яллиғланган яралардек шилиниб ётган, тўнғ қотган, гунг қотган тоғ-тошлар аро увлаб югурасан. Бўзлайсан. Инграйсан. Не истайсан, эй шамол! Паноҳ керакми сенга! Азобу изтиробларга, беғубор умид ва орзуларнинг бурдаларига тўлиб тошган ҳуз қиз бағрини маскан тутмоқчимисан!

У қиз йиғляпти. Жажжи кўлчаларини оппоқ юзларига босганича титраб-титраб,

қақшаб-қақшаб, эзилиб-эзилиб йиғляпти.

Нақадар ёлғиз бу қизгина!

ҚАТРА

ҚИЗГИНА

Теварақда қоп-қора тун. Зулмат! Осмон гумбазининг бир бурчида, увада-увада булутлар йиртиғидан бир хирагина юлдуз мўлтирайди. Япроқлар шитирлайди. Узоқ-

узоқларда шўх мусиқа янграйди.

Нақадар бахтсиз бу қизгина!

Унинг юраги туб-тубида бошланган ғалаён аламу изтироб зардобида қалқиб-қалқиб бўғзига тикилди. Ниҳоят ошиқ шивиридек майин ва сокин, аммо момақалди-роқ гумбуриданда қудратли бир ҳокисор сўз инграб ташқарига отилди:

— Мен кимма-а-ан!

Нақадар бахтли бу қизгина!

Зулхумор ИМОВОВА.
Урта Чирчиқ тумани.

АХЛОҚ-ОДОБГА ОИД ҲАДИС НАМУНАЛАРИ

Хотинларнинг баракалироғи сарф-харажатни камроқ талаб қиладигандир.

Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи — бу унинг онасидир.

Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

У қандай эрки, хотинини қулни ургандек уриб, сўнг кечаси яна у билан бирга ётади?!

Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир.

ТЎРТЛИК

Дунёда ажаб бир мўъжиза бордир;
Ҳар жонзотга ҳар хил фазилат ёрдир.
Эсим танибманки, чивинга ахлат,
Асалари учун макон гулзордир.

Ажаб, булоқ суви бунчалар тоза,
Шошиб тоғу тошдан интилар пастга.
Лекин ҳар донм ҳам у дарёларга
Етиб келолмайди ҳалол, покиза.
Марям РЎЗИЕВА,
Косон тумани.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-58, 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64815.
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»
нашрият-матбаачилик концерни
босмаҳонаси. 700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

* Кўчириб босишда «Поста»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фирмига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.